

Джуманиязова Феруза  
PhD, ЎЗР ФА ШИ

## ҚАДИМДА ВА ЎРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕК-ЯПОН АЛОҚАЛАРИ: ТАРИХИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

**Аннотация.** Ушбу мақолада қадимги ва ўрта асрларда ўзбек-япон маданий ва ижтимоий-иқтисодий алоқалари ёритилади. Шунингдек, япон олимлари Ш.Куваяма ва М.Инабаларнинг тадқиқотларидаги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари – Тохаристон ва унга қўшни ҳудудларнинг илк ўрта асрлардаги этник тарихига оид маълумотлар таҳлил қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** ўзбек-япон маданий ва ижтимоий-иқтисодий алоқалари, япон чинниси, уд, Жабарқу, Ш. Куваяма, М.Инаба, Тохаристон.

**Аннотация.** В данной статье освещены узбекско-японские культурные и социально-экономические связи в древности и раннем средневековье. А также, дан анализ сведений японских ученых Ш.Куваямы и М.Инабы по этнической истории южных территорий Узбекистана – Тохаристана и соседних с ним регионов.

**Опорные слова и выражения:** узбекско-японские культурные и социально-экономические связи, японский фарфор, лютня, Джабарку, Ш. Куваяма, М.Инаба, Тохаристан.

**Abstract.** In this article given uzbek-japanese cultural and social-economical relations ancient and middle ages. It also analyzes data from articles of Japanese scholars –Sh.Kuwayama and M. Inaba about ethnical history of Tokharistan and adjacent areas in early middle ages.

**Keywords and expressions:** uzbek-japanese cultural and social-economical relations, japan ceramic, ud, Jabarqu, Sh. Kuwayama, M.Inaba, Tokharistan.

Ўзбек халқи ва японлар орасида тарихий яқинлик илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади. Биргина Олтой назарияси<sup>1</sup>га кўра туркий ва япон халқларининг аждодлари эрамиздан аввалги II минг йилликка қадар тарихан бир тилда сўзлашишгани бунга мисол бўла олади<sup>2</sup>. Ўзбек-япон археологларининг қўшма экспедицияси олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган Кушон подшолигининг давлат дини – буддавийлик Ўрта Осиё халқлари миллий қадриятлари ва анъаналари билан бойиган ҳолда VI асрда Шарқий Туркистон, Хитой ва Корея орқали Япония ороллариға ҳам тарқалган.

<sup>1</sup> Олтой назарияси – туркий тиллар, мўғул тиллари ва тунгуз-манжур тилларини уларнинг келиб чиқиши бир деган тахмин асосида бирлаштирадиган тиллар макрооиласини билдирувчи шартли атама. Айрим олимлар ушбу макрооилага корейс ва япон тилларини ҳам киритганлар. “Олтой” атамаси эса ушбу тилларнинг эҳтимолдаги протоватанига ишоради. Interactive Maps The Altaic Family from The Tower of Babel. <http://starling.rinet.ru>

<sup>2</sup> Языки мира. Тюркские языки. – Бишкек, Кыргызстан, 1997. – С. 8.

Кейинги даврларда Марказий Осиё минтақаси ва Кунчиқар ўлка ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ўрнатилишида Буюк Ипак Йўлининг ўрни катта бўлган. Ўзбекистон қадимий қарвон йўллари кесишган чорраҳада жойлашган бўлиб, ушбу йўлларнинг Сирдарё шаҳобчаси Хитой, Корея ва Япониягача етиб борган<sup>3</sup>. Мазкур йўналиш бўйлаб биринчи минг йиллик ўрталаридан бошлаб буддавийлик дини роҳиблари – Фа-сян, Сюан Цзан, Хой Чао ва У Кунлар Марказий Осиё орқали Ҳиндистонгача етиб борган эди<sup>4</sup>. Масалан, Тан даврида Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларига 627-629 йилларда ташриф буюрган Сюан Цзаннинг “Да Тан сиюй цзи” (“Буюк Тан сулоласи даврида тузилган Ғарбий ўлкалар ҳақида эсдаликлар”) китоби хитойликлар билан бирга тарихий Япония давлати аҳолиси учун ҳам Ўзбекистон ҳақида асосий маълумот берувчи манба ҳисобланган<sup>5</sup>.

Ўрта асрлардаги Япониянинг пойтахти бўлмиш Нара шаҳрида Хорюдзи ибодатхонасида сақланган суғд тилли ёзув суғдийларнинг Тинч океанидаги оролларда ҳам савдо-сотик ишлари билан олис манзилларга боргани ва Кунчиқар ўлка билан маданий ҳамда иқтисодий алоқаларнинг қадимийлигини кўрсатади. Япон императорларининг хазинасида энг қимматбаҳо буюм сифатида сақланадиган ўртаосиё келиб чиқишига эга мусиқа асбоби – уд ҳам бунинг яққол исботидир. Ушбу мусиқа асбобининг устки қисмида иккита мусиқачининг зиёфати тасвирланган. Мусиқашунос олимларнинг фикрига кўра, уларнинг биттасини қўлида қозоқ қўбизи тутган ҳолда<sup>6</sup>. Тахмин қилинишича, ушбу қўбиз Ўрта Осиёдан Японияга сомонийлар даврида IX-X асрлардан қимматбаҳо тортик

<sup>3</sup> Этнический атлас Узбекистана. – Ташкент, 2002. – С. 261.

<sup>4</sup> Александрова Н. В. Путь и текст: китайские паломники в Индии. – Москва: Вост. лит., 2008. – 366 с; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – 295 s; Fuchs W. Huei-Chao’s Pilgerreise durch Nordwest-Indien und Zentral-Asien um 726. Sitzungsberichte der Preußischen Akademie der Wissenschaften. Phil.-hist. klasse. – Berlin: Verlag der Akademie der Wissenschaften, 1938. – 426-470 s; The life of Hiuen-tsiang. By the Shaman Hwui Li. With an introduction containing an account of the works of I-Tsing by Samuel Beal, B.A., D.C.L. Popular Edition. – London: Kegan Paul, Trench, Trübner & Co. Ltd, 1914; The Hye Ch’o Diary: Memoir of the Pilgrimage to the Five Regions of India. Translation, text and editing by: Han-sung, Yün-Hua, Shotaro Iida, Laurence W. Preston. Asian Humanities Press Po Chin Chai Ltd. – 118 p; Yule H. Notes on Hwen Thsang’s account of the principalities of Tokharistan // JRAS. – London, 1873. T.VI. – 1-29 p.

<sup>5</sup> У 12 бўлимдан иборат бўлиб, Марказий Осиё тарихининг исломгача бўлган даврини ёритиб берувчи асосий манба ҳисобланади. Буддавийликнинг асл моҳиятини ўрганиш мақсадида хитойли роҳиб Сюан Цзан узок машаққатли сафарга чиқади. У аввало Ўрта Осиёнинг шимолидан Ғарбий Турк ҳокони Тунябғу-ҳоқоннинг қароргоҳи жойлашган Суёбга ташриф буюради ва ҳокондан руҳсат олиб, бу ердан жанубий минтақалар – Ҳиндистонга, 17 йил сўнгра Ҳиндистондан Хитойга қайтиб келади. Худуд ҳисоботи хусусиятидаги мазкур саёҳатнома нафақат Тан сулоласининг Марказий Осиёга ҳоким бўлиш учун тайёрлаган стратегик ахборот ҳужжати бўлиб қолмасдан, айна пайтда минтақанинг, шу жумладан Юқори Амударё ҳавзаси ва Кобул водийсининг илк ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва этник ҳолатини ёритишга ёрдам беради. Шунингдек, бу саёҳатнома бутунги Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон билан биргаликда Ғарбий Турклар ҳоким бўлган бутун худудни ўз ичига олган 60 та мамлакат ва шаҳарлар ҳақида бой маълумот берувчи асардир. Айниқса, бу саёҳатноманинг I ва XII бўлими Марказий Осиё тарихининг бошқа манбаларда кам учрайдиган асосий масалаларига бағишланган.

<sup>6</sup> Этнический атлас... – С. 262.

сифатида олиб олиб борилган. Бу даврда аллақачон Японияда суғд савдо колонияси шаклланди.

Қадимги Самарқанднинг Афросиёб шаҳар ҳаробасидан топилган майин оқ япон чинниси ва Қозоғистоннинг Талхиз деган жойидан топилган (XII асрга тегишли деб ҳисобланган) япон чинни товоғи ҳам Ўрта Осиё-Япония алоқаларининг қадимийлигидан дарак беради.

Шунингдек, ўрта аср ёзма манбасида Япония давлатининг мавжуд бўлганини маҳаллий олимлар билгани ҳақида тарихий факт диққатга сазовордир. Масалан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида келтирилган туркий дунё харитасида Япониянинг “Жабарқа” деб номланиши бунга мисол бўла олади<sup>7</sup>.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан эътиборан япон тадқиқотчиларининг илмий ишлари орасида Ўзбекистоннинг жанубий вилояти Сурхондарё ҳудудида жойлашган Қадимги Бактрия – Тохаристон ҳамда унга қўшни ҳудуд Кобул водийсининг илк ўрта асрлардаги иқтисодий-маданий ва этник тарихи масаласига бағишланган мақолалар алоҳида ажралиб туради. Таъкидлаш жоизки, япон тадқиқотчилари буддавийлик тарихи қизиқиб, шу баробарида унинг ибтидоси яратилган ҳудудлар тарихини ўрганишни ҳам назардан четда қолдирмаганлар. Бугунги кунда жаҳон тарихшунослигида ушбу тадқиқотлар Тохаристон тарихи юзасидан энг кўп иқтибос бериладиган тадқиқотларга айланиб улгурган. Улардан бири Ш. Куваяманинг “Historical Notes on Kapisi and Kabul in the Sixth-Eighth Centuries” (“VI-VII асрларда Каписа ва Кобул ҳақида тарихий қайдлар”)<sup>8</sup> номли мақоласидир. Мақоланинг “Каписа ва Кобул: Тан даври Гибинининг тарихи” деб номланган учинчи қисмида Тохаристон ва Кобулда туркий унвонларнинг пайдо бўлиши, Кобулда турклар, Хой Чао томонидан келтирилган хитойча “Айе” атамаси, Хуросонда Тегиншоҳ ва Рутбил сулолаларининг фаолияти, Удяна шоҳийлари каби масалалар жой олган. Ш.Куваяма манбаларда келтирилган илк Кобулшоҳ, биринчи ва иккинчи Рутбил шахсини идентификация қилиб бериши диққатга сазовордир. У Берунийнинг “Ҳиндистон” асари, Сюан Цзаннинг “Да Тан сиюй цзи” саёхатномаси, Хой Чао кундалиги ва Табарий ҳамда Балазурий берган маълумотлардаги ҳар бир деталга алоҳида тўхталган ҳолда Тохаристон, Каписа ва Кобулдаги VI-VII асрлардаги этно-сиёсий вазият манзарасини тасвирлай олган. Бироқ тадқиқотчи гарчи туркларнинг Тохаристон ҳудудида мавжудлигига асло шубҳаси бўлсада, “Ғарбий турклар ҳеч қачон Ҳиндикуш тоғидан ошиб ўтиб, ундан жануброқда жойлашган Каписа, жануби-шарқдаги Гандхарада мавжуд бўлмаган” деган хулосани билдирган. Лекин тадқиқотда мазкур даврда Ҳиндикушдан жанубдаги

<sup>7</sup> Маҳмуд ал-Кашғари. Диван Лугат ат-Турк .... Харитага қаралсин.

<sup>8</sup> Kuwayama Sh. Historical Notes on Kapisi... – P. 25-77.

туркларнинг аслида этник жиҳатдан қайси уруғ ва қабилага мансублиги ҳақида қараш ҳам акс этирилмаган. Шунинг учун ҳам тадқиқотчининг ушбу фикри мунозарали ва асоссиз бўлиб қолмоқда.

Яна бир япон олими М. Инаба юқоридаги масалага алоҳида ёндашиб, 2005 йилда “The Identity of the Turkish Rulers to the South of Hindukush from the 7th to the 9th Centuries A.D.” (“VII асрдан IX асргача Ҳиндикушдан жанубдаги туркий бошқарувчиларнинг этник мансублиги”)<sup>9</sup> номли мақола нашр қилган. Бу пайтда Афғонистон ҳудудида топилган фан оламида янги ёзма манба сифатида машҳур бўлган бактрий тилидаги ҳужжатлар аллақачон илмий муомалага киритилган эди. Олдин эслатиб ўтганимиз Ш.Куваямадан фарқли ўлароқ ушбу тадқиқотчи мазкур ҳужжатларда келтирилган қимматли маълумотларни ҳисобга олган ҳолда VII асрдан IX асргача Ҳиндикушдан жанубдаги туркий бошқарувчиларнинг этник мансублиги масаласини ёритишга ҳаракат қилган. Тадқиқотчининг фикрича, VII асрнинг сўнгги чорагида Кобул ва Зобулистоннинг ҳукмдорлари туркийларга мансуб бўлиб, аниқроғи уларнинг халажлардан экани таъкидланган. Унинг исботи сифатида М.Инаба хитой манбаларида келтирилган Хэдаложи (“He-da-luo-zhi”) ва Гэлуотажи (“Ge-luo-da-zhi”) ҳамда Незак шоҳ тангаларидаги хиндча “kharalāṣa”, бактрий тилидаги “χαλασο” сўзларига таяниб, буларнинг барчаси туркий ҳукмдорларнинг халаж уруғига мансуб эканини кўрсатади, деб хулоса қилган. Мақолада муаллиф илк ўрта асрларда Ҳиндикушнинг жанубидаги туркий бошқарувчиларнинг фақатгина халажлардан бўлганини тасдиқловчи фактларни йиғишга урингани аниқ сезилиб туради. Бироқ, хитой йилномалари, шу билан бирга Сюан Цзан саёхатномаси ва Хой Чао кундалигида Кобул ва Зобулнинг бошқарувчилари *тукюэ* (Ашина турклари – Ф.Дж.)лардан, деб аниқ кўрсатилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Унда нега шу даврда хитойлик муаллифлар мазкур сулолаларни халажлар билан эмас, тукюэлар билан алоқадор деб кўрсатиб ўтишган. Ваҳоланки, хитой манбаларида халажлар ва турклар (Ашина турклари) алоҳида иероглиф билан келтирилган.

Илк ўрта асрларда Шимолий Афғонистон ҳудудида яшаган туркийзабон қабилалар асосан *халажлар* бўлган. Халажлар масаласи юзасидан турлича фикрлар ўртага ташланган. Япониялик тадқиқотчи М. Инаба VII асрдан то IX асргача бўлган даврда Ҳиндикушнинг жанубида фаолият юритган туркий бошқарувчилар ва у ерда жойлашган туркий қабилалар халажлардан эканлигини олға суради<sup>10</sup>. Халажлар мазкур ҳудудларга қачон келиб ўрнашгани номаълум. Аммо бу ҳудудда уларнинг ёзма манбаларда илк марта эслатилиши VII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Яъни бактрий тилидаги ҳужжатларда *халажлар* номи биринчи марта *χαλασο* шаклида 669 йилга тегишли Тохаристон воҳа

<sup>9</sup> Inaba M. The Identity of the Turkish Rulers... – P. 1-19.

<sup>10</sup> Minoru Inaba. The Identity of the Turkish... – P. 1-19.

хукмдорлари таркибига Самингонда ёзилган ҳужжатда келтирилади<sup>11</sup>. Бироқ охириги йилларда нумизматлар М.Алрам ва С.Ло Музио томонидан топилган ҳамда 484 йилдан кейинги давр билан белгиланган 2 та мис тангада бақтрий тилида *halag/sano* ва *halag/s* сўзи аниқланган бўлиб, ушбу терминлар *халаж* сўзининг энг эрта шакли деб баҳоланган<sup>12</sup>. Нумизматларнинг таъкидлашича, ушбу тангалар ҳақиқатан ҳам халажларга мансуб ҳукмдорлар томонидан зарб этилган ва халажлар бу эрта даврларда Амударёнинг жанубида яшаганини кўрсатади. Кейинги даврларга тегишли бўлган араб-форс манбаларида мазкур ҳудудда яшаган халажлар ҳақида маълумотлар кўп учрайди. Ушбу улкан ҳудудда халаж тили расмий тил бўлган, бақтрий тили ўз аҳамиятини йўқотган кўринади. Чунки араб манбаларидан бирида *рутбил* унвонли Ғазна ҳукмдори билан Кобулшоҳ ўзаро мактублашгани ва ўша мактуб “халаж тили”да ёзилгани зикр этилган<sup>13</sup>.

Тохаристон ва Кобул водийсида VII-VIII асрларда яшаган туркий этнослар ҳақидаги тортишувли масала бу халаж ва қарлуқлар муаммосидир. Бу аввало, бугунги кунда қарлуқ ва халажларнинг мазкур ҳудудга қачон ва қаердан кўчиб келгани ҳақида манбаларда аниқ маълумотга келтирилмаганида намоён бўлади. Фақат нумизматик материалларга қараб V аср охирида, бақтрий тилидаги ҳужжатлардаги маълумотларга асосланиб VII асрнинг иккинчи ярмида халажларнинг Тохаристонда, хитой йилномаларига кўра эса Зобулистонда мавжудлигини кўриш мумкин<sup>14</sup>.

“Янги Тан сулоласи тарихи” манбасидаги 656-661 йиллар ҳақидаги ва 669 йиллардаги бақтрийча “Р” ҳужжатидаги маълумотлар Ҳиндикушнинг ҳар иккала томонида халажлар бир даврда яшаганлигини кўрсатади. Халажларнинг Амударёнинг жанубидаги ҳудудларда анча эрта даврларда пайдо бўлиши ҳақидаги фикр К. Шониёзов томонидан ҳам айtilган. Тадқиқотчи *халажлар* қарлуқ қабилаларидан бири бўлиб, уларнинг катта қисми VI-VIII асрларда Афғонистон, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарби ва Эрон ҳудудига келиб жойлашгани, халажларнинг қарлуқлар таркибида қолган қисми эса Или дарёсидан шимолдаги ҳудудларда ўрнашгани ҳақида ёзган<sup>15</sup>. Бироқ нимага асосланиб К.Шониёзов бундай фикрга келган, бу номаълум. Аммо уларнинг бир қисми қарлуқлар таркибида Еттисувда қолганини Ибн Хўрдодбекнинг “Йўллар ва мамлакатлар китоби” (IX аср) манбалардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди: “Тароздан Қуйи Нушажонгача 3 фарсах, кейин Каср Басгача 2 фарсах. Бу

<sup>11</sup> Sims-Williams N. *Turks and other peoples...* – S. 21.

<sup>12</sup> Tezcan M. *К вопросу о происхождении тюрков-халачей...* – С. 17.

<sup>13</sup> Tezcan M. *Kuşanlar, Akhunlar ve Eftalitler...* – S. 181-182.

<sup>14</sup> Sims - Williams N. *Turks and other peoples...* – P. 20-21; М а л я в к и н А. Г. *Танские хроники о государствах...* – С. 76.

<sup>15</sup> Шониёзов К. *Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.* – Тошкент: 2001. – Б. 159.

қарлуқлар (*ал-харлухийа* - الخارلخيه) қишлайдиган, халаж (*ал-халажийа* - الخلجيه) ларнинг қишлайдиган жойига яқин иссиқ жой”<sup>16</sup>. Бу маълумотдан кўринадики, халажларнинг бир гуруҳи Еттисувда қарлуқлар билан қўшни бўлиб яшаган, бироқ К.Шониёзов кўрсатганидек, Или дарёсидан шимолда эмас, балки ундан ғарбда жойлашган. Идрисийнинг “Нузхат ал-муштак” асарида “кимақларнинг жанубида тўқузўғузлар, жануби-ғарбида Тибетдан кейинги қисмда қарлуқлар, ғарбида халажлар, шарқда эса уммон бор”<sup>17</sup> шаклида қарлуқлар ва халажлар бир-биридан ажратиб кўрсатилган.

Тохаристон худудига қарлуқлар анча кейин келиб жойлашгани ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд. М. Инаба VI аср ўрталаридан VIII аср биринчи ярми қарлуқлар Тохаристонга келиб жойлашуви учун жуда эрта сана эканини ёзади<sup>18</sup>. Қадимги туркий битиктошлар – Ўрхун-Енисей битиктошлари ва хитой йилномаларидаги маълумотлар эса VI аср ўрталаридан VIII аср биринчи ярмигача бўлган даврда қарлуқлар Қора Иртиш ва Урунга дарёси атрофида, Тарбағатайнинг шимоли-ғарби, Олтой тоғ этакларининг жануби-ғарби оралиғидаги худудда, шунингдек Жунғор текислигида яшаганини кўрсатади<sup>19</sup>. Фақат 747 йилдан кейингина дастлаб Еттисувда тургашларнинг қўли остида бўлган қарлуқлар ғарбга кўчадилар. 756 йилда Тургаш хоқонлиги таназзулга учрагач, қарлуқлар Еттисувда етакчи қабилага айланиб, мазкур худудда ҳокимият то Қорахонийлар қўлига ўтгунига қадар (X аср) ҳукмронликни давом эттирганлар.

Бундан келиб чиқадики, қарлуқлар VIII асрнинг иккинчи ярмида Еттисувда яшар эдилар, бу даврда уларнинг Тохаристонга келиб жойлашуви бироз шубҳалироқ кўринади. Тохаристон худудига қарлуқларнинг кечроқ кўчиб келганини IX асрдаги мусулмон манбаларидаги маълумотлар ҳам кўрсатади.

Шунингдек, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-‘улум” (“Илмлар калити”, X аср) асарида келтирилган маълумот ҳам муҳим: “*хайатила (эфталиий, الهياطلة) – бу Тохаристон(طخارستان)да ҳукмрон қудратли одамлар гуруҳи; халаж ва канжисина (خلج و كنجينه) турклари уларнинг авлодидир*”<sup>20</sup>. Хоразмий нафақат халажларнинг Тохаристонда яшаганини, балки уларнинг эфталийларнинг авлоди эканини айтади. Бироқ, М. Инабанинг фикрича, уларнинг эфталийлар билан этник

<sup>16</sup> Ибн Хордадбех. Книга путей и стран / Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н. Велихановой. – Баку: Элм, 1986. – С. 65.

<sup>17</sup> Şeşen R. İslam Coğrafyalarına göre... – S. 10; Кумеков Б. Е. Государство Кимаков IX – XI вв. по арабским источникам. – Алма-Ата: Наука, 1972. – С. 28.

<sup>18</sup> Inaba M. The Identity of the Turkish Ruler... – P. 7.

<sup>19</sup> Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 110, 130; Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах... Том I. – С. 347.

<sup>20</sup> Bosworth C.E., Clouston G. Al-Xwārazmī on the peoples of Central Asia // Journal of the Royal Asiatic Society. – London, 1965. – P. 8; Хайруллаев М.М., Бахадиров Р.М. Абу Абдаллах ал-Хорезми. X век. – Москва, 1988. – С. 71.

яқинлиги унчалик ҳақиқатга яқин эмас. Тадқиқотчининг фикрига кўра, халажлар Тохаристон ҳудудига Турк хоқонлиги давридан ҳам олдин эфталийлар сиёсий иттифоқи таркибида кириб келган<sup>21</sup>. Чунки эфталийлар қабила иттифоқи таркибида турли тилда гаплашувчи ўтроқ ва кўчманчи аҳоли гуруҳлари кирган эди. Хоразмий берган маълумот эса тадқиқотларда халажларнинг эфталийлардан келиб чиққани ҳақидаги фикр шаклланишига олиб келган.

Мазкур икки япон олимнинг тадқиқоти Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги илк ўрта асрларда этник вазиятни ёритишга хизмат қилиши билан характерлидир. VI асрнинг биринчи ярмидан Тохаристонда мавжуд бўлган туркий этник қатлам анча сезиларли қалинлашганини шу тадқиқотлар исботлай олди. Бу мазкур ҳудудларда ҳукм сурган ва Тарихий Шимолий Ҳиндистонда сиёсий довуғи ниҳоятда ёйилган – кушонлар (Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида Кобулшоҳларнинг Кушон подшоси Каник/Канишкага бориб тақалиши ҳақидаги маълумотлар), кидарийлар, хионийлар ва “оқ хунлар” деб аталган эфталийлар (айниқса, туркий халқлар ичидаги ҳозиргача “абдал” уруғ номининг учраши ёки халаж ва канжина туркларининг эфталий қабила иттифоқи таркибида мавжудлиги) каби давлатлар асосчиларининг туркийлар билан этник яқинлиги ёки улар орасида туркий элементлар учрашига доир фикрларнинг мавжудлиги асосида ҳам ўз тасдиғига эга. Маълум маънода, Тохаристон (Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти) ва Шимолий Афғонистонда бугунги кунда яшайдиган миллионлаб ўзбекларнинг этник шаклланишида юқоридаги номлари зикр этилган туркий уруғлар айнақса, халажлар ва қарлуқлар, эфталийлар билан боғланадиган туркий абдаллар иштирок этган, десак хато бўлмайди. Чунки, ўзбек уруғлари учидан абдалларнинг мавжудлиги, Сурхондарёдаги “Холчаён” тарихий ёдгорлиги номининг халажлар билан боғлиқлиги, шунингдек қарлуқларнинг эса ўзбек халқи таркибидаги асосий этник компонент экани бунга мисол бўлади.

Афсуски, қадимий ва илк ўрта асрларга оид Марказий Осиёда япон изларини кўрсатувчи артефактлар сони кам. Шунга қарамай, улар ушбу масалани ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Хулоса шуки, ўзбек-япон маданий алоқаларининг илдизлари узок ўтмишга бориб тақалиб, асрлар силсиласида у янада мустаҳкамланиб борган.

---

<sup>21</sup> I n a b a M. The Identity of the Turkish Ruler... – P. 16.